

*«ASIA ALLIANCE BANK» АТБ  
Ягона акциядорнинг қарорига  
8-илова*

«ASIA ALLIANCE BANK» АТБ  
Ягона акциядорнинг  
27 февраль 2020 йилдаги АС-01/2020  
сонли қарори билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**«ASIA ALLIANCE BANK»  
АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИДА  
МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИ ЮЗАГА КЕЛГАН  
ҲОЛАТДА ҲАРАКАТЛАР ТАРТИБИ  
ТЎҒРИСИДА  
НИЗОМ**

**янги тахрирда**

Тошкент – 2020 йил

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига, Акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича комиссиянинг 2015 йил 31 декабрдаги йиғилишининг 9-сон баённомаси билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодекси (Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 11 февралда 02-02/1-187-сон билан рўйхатдан ўтказилган), “ASIA ALLIANCE BANK” АТБ (кейинги ўринларда – “Банк”) Устави ва ички ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда Банкда юзага келадиган манфаатлар тўқнашувларини аниқлаш ва ҳал қилиш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилган:

манфаатлар тўқнашуви – Банк (унинг бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслари, ходимлари)нинг мулкӣ ёки бошқа манфаатлари ҳамда кредиторлар, контрагентлар ва бошқа мижозлар (қуйида матн бўйича – “Мижозлар”)нинг мулкӣ ёки бошқа манфаатлари ўртасидаги қарама-қаршилиқ, бунда Банкнинг бошқарув ва назорат органлари ва (ёки) унинг ходимлари ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилиши ҳолатига йўл қўйилиши мумкин;

корпоратив низо – Банк акциядорлари манфаатлари ўртасида, Банкнинг бошқарув ва назорат органлари ҳамда унинг акциядори (акциядорлари) манфаатлари ўртасида юзага келадиган манфаатлар тўқнашуви.

3. Мазкур Низомда қуйидаги манфаатлар тўқнашувлари юзага келган ҳолатлар кўриб чиқилади:

- мажоритар акциядорлар (йирик акциялар пакетларига эга акциядорлар) ва миноритар акциядорлар (кам миқдорли акцияларга эга акциядорлар) ўртасида;

- Банкнинг бошқарув органлари ва унинг акциядори (акциядорлари) ўртасида;

- Банкнинг бошқарув органлари ва назорат органлари, Банкнинг мансабдор шахслари, ходимлари ва мижозлар ўртасида;

- Банк ва Банкнинг мансабдор шахслари, ходимлари ўртасида (улар томонидан хизмат вазифалари амалга оширилиш вақтида).

4. Низомнинг амал қилиши Банкнинг бошқарув ва назорат органлари аъзолари ва барча ходимлари учун эгаллаб турган лавозимлари даражасидан катъий назар жорий қилинади.

5. Мазкур Низомга риоя қилиш тўғрисидаги талаблар Банк билан фуқаролик-ҳуқуқий шартнома асосида ҳамкорлик қиладиган жисмоний шахсларга, тааллуқли вазифалар улар билан тузилган шартномаларда,

уларнинг ички норматив ҳужжатларида мустаҳкамланган ёхуд бевосита қонун билан белгиланган ҳолатларда татбиқ қилинади.

## **II. МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИ БОШҚАРИШ ТАМОЙИЛЛАРИ**

6. Банкда манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича ишлар асосини қуйидаги тамойиллар ташкил қилади:

ҳақиқий ёки яширин (потенциал) манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги маълумотларнинг ошкор қилиниши шартлиги;

ҳар бир манфаатлар тўқнашувини аниқлашда ва уни ҳал қилишда Банк учун обрў-эътибор (репутацион) хавфларни алоҳида кўриб чиқиш ва баҳолаш;

манфаатлар тўқнашуви ва унинг ҳал қилиниши тўғрисидаги маълумотларнинг ошкор қилиниш жараёни махфийлиги;

манфаатлар тўқнашувини ҳал қилишда Банкнинг бошқарув ва назорат органлари ва унинг ходимлари манфаатлари мувозанатига риоя қилиш;

манфаатлар тўқнашуви ўз вақтида ошкор қилиниши ва Банк томонидан ҳал қилиниши (олди олиниши)га сабабчи бўлган шахсни манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги хабар туфайли таъқиб қилинишидан ҳимоя қилиш.

## **III. МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИ ЮЗАГА КЕЛИШ САБАБЛАРИ (ШАРОИТЛАРИ)**

7. Корпоратив низоларнинг юзага келиш сабаблари қуйидагилардан иборат:

- қонун ҳужжатлари, меъёрий ҳужжатлар ва Банкнинг ички ҳужжатлари талабларига риоя қилмаслик;

- миноритар акциядорларнинг Банк фаолиятига ҳамда акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаш томонидан қабул қилинадиган қарорларга жиддий таъсир кўрсатиш имконияти йўқлиги;

- ваколатли бошқарув органлари билан олдиндан келишилмасдан йирик битимлар ва аффилиланган шахслар билан битимлар тузиш;

- бошқарув органлари томонидан Банкнинг молиявий аҳволи ёмонлашишига олиб келиши мумкин бўлган қарорлар қабул қилиниши;

- ахборотнинг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилинмаслиги ёхуд Банк бошқарув органлари таркибига кирувчи шахслар томонидан бошқа ташкилотлар бошқарув органларида эгаллаб турган лавозимлари, бошқа жамиятлар улушлари (акциялари)га эгаллиги тўғрисида тўлиқ бўлмаган ахборот тақдим қилиниши.

8. Банкнинг бошқарув органлари ва назорат органлари, мансабдор шахслари, ходимлари ва мижозлар ўртасида манфаатлар тўқнашувининг юзага келиш сабаблари қуйидагилардан иборат:

- қонун ҳужжатлари, Банкнинг таъсис ва ички норматив ҳужжатлари талабларига риоя қилмаслик;

- Банк акциядорлари манфаатларининг устуворлик тамойилига риоя қилмаслик;

- амалий мулоқот меъёрлари ва касбий одоб-ахлоқ тамойилларига риоя қилмаслик;

- Банк томонидан ҳам, мижозлар томонидан ҳам шартнома мажбуриятларининг бажарилмаслиги;

- қонун ҳужжатлари ва Банкнинг ички норматив ҳужжатлари билан белгиланган вазифаларнинг бажарилмаслиги.

9. Банк ва Банкнинг мансабдор шахслари, ходимлари ўртасида манфаатлар тўқнашувининг юзага келиш сабаблари қуйидагилардан иборат:

- қонун ҳужжатлари ва Банкнинг ички норматив ҳужжатлари талаблари бузилиши;

- амалий мулоқот меъёрлари ва касбий одоб-ахлоқ тамойилларига риоя қилмаслик;

- ҳам хусусий, ҳам оила аъзолари билан тижорат фаолиятини юритиш;

- Банк амалий муносабатлар ўрнатган бошқа компанияда молиявий манфаатлар мавжудлиги;

- бошқа ташкилотда раҳбар, мансабдор шахс сифатида ўриндошлик бўйича ишлаш ёки унинг бошқарув органларида иштирок қилиш;

- шахсий манфаатларини кўзлаб Банк манфаатларига зарар келтирган ҳолда бошқа ташкилотларга амалий имкониятлар тақдим қилиш.

#### **IV. МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ**

10. Манфаатлар тўқнашувларининг олдини олиш бўйича чоратадбирлар Банкнинг бошқарув ва назорат органлари, Банкнинг мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан бажарилиш учун мажбурийдир.

11. Ҳар қандай турдаги манфаатлар тўқнашувларининг олдини олиш мақсадида Банкнинг бошқарув ва назорат органлари, Банкнинг мансабдор шахслари ва ходимлари қуйидагиларни амалга оширишлари шарт:

қонун ҳужжатлари, меъерий ҳужжатлар, Банк Устави ва ички норматив ҳужжатлари талабларига риоя қилиш;

қонун ҳужжатлари ва Банкнинг ички норматив ҳужжатлари билан белгиланган тартибда ўз вазифаларини виждонан ижро қилиш;

амалий мулоқот меъёрлари ва касбий одоб-ахлоқ тамойилларига риоя қилиш;

низоли вазиятлар пайдо бўлишига олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатлар содир этилишидан ва қарорлар қабул қилинишидан сақланиш;

Банкнинг самарали бошқарувини таъминлаш ва Банк манфаатларида ҳаракат қилиш;

акциядорлар, шу жумладан миноритар акциядорларнинг ҳуқуқларига риоя қилиш ва акциядорларнинг уларга тегишли улушлардан, даромадлар даражасидан, жинсидан, иркидан, динидан, миллатидан, тилидан, ижтимоий келиб чиқишидан, шахсий ва ижтимоий аҳволдан қатъий назар барча акциядорларга нисбатан тенг муносабатни таъминлаш;

Банкнинг қонунга хилоф фаолиятни амалга оширишга жалб қилиниш эҳтимолини истисно қилиш;

ички ва ташқи назоратни Банк Устави ва ички норматив ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириш, шунингдек Банкнинг ички назорат тизими камчиликларини аниқлашда иштирок қилиш;

йирик битимлар ва Банкнинг аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш ва тасдиқлаш тартибига тегишли қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиш;

қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда битимлар тузиш тўғрисида қарорлар қабул қилишда Банк мулкнинг бозор қийматини белгилаш учун танлов асосида мустақил баҳоловчини жалб қилиш;

аффилиланган шахслар тўғрисида маълумотларнинг ҳисобга қўйилишини таъминлаш;

Банк мансабдор шахсларининг бошқа юридик шахслар бошқарув ва назорат органларида иштирокининг Банк Кузатув кенгаши билан келишувини таъминлаш;

қонун ҳужжатларига ва Банкнинг ахборот сиёсати тўғрисидаги Низомига мувофиқ мажбурий ошкор қилинадиган ахборот ва бошқа ахборотнинг ўз вақтида, асосли ва тўлиқ ошкор қилинишини таъминлаш;

Банкнинг махфий ахбороти ва инсайдерлик ахборотидан фойдаланиш тартибига қатъий риоя қилинишни таъминлаш;

акциядорлар ва контрагентларга, бошқарув ва назорат органларига ва бошқа манфаатдор шахсларга, жумладан реклама мақсадларида тақдим қилинадиган ахборот, шу жумладан молиявий ҳисоботнинг шубҳасиз тўғрилигини таъминлаш;

манфаатлар тўқнашувларининг энг эрта ривожланиш босқичларида ўз вақтида аниқланишини таъминлаш;

низоли вазият юзага келишига шарт-шароит яратувчи ҳолатлар пайдо бўлганлиги тўғрисида юқори мансабдор шахсни ўз вақтида хабардор қилиш;

мансабдор шахс ёки унинг оила аъзолари молиявий манфаатга эга ва Банк тижорат фаолиятини бирга юритаётган ёки юритишни мўлжаллаган ташкилотлар тўғрисида юқори мансабдор шахсни хабардор қилиш;

Банкнинг аниқ ва асосланган нуқтаи назарини акциядорлар эътиборига ўз вақтида етказилишини таъминлаш ва низо мавзуси бўлиш эҳтимолига эга масалалар бўйича тўлиқ ахборотни тақдим қилиш;

қабул қилинадиган бошқарув қарорларининг объективлиги ва мустақиллигини таъминлаш учун Банк Кузатув кенгаши таркибига мустақил аъзолар номзоди кўрсатилишига интилиш.

## **V. МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИ ҲАЛ ҚИЛИШ**

12. Банкда юзага келадиган манфаатлар тўқнашувларини ҳал қилиш учун Банкнинг бошқарув ва назорат органлари, Банкнинг мансабдор шахслари ва ходимлари Банк манфаатларига жавоб берадиган қонуний ва асосланган қарорлар излашни амалга оширадилар.

13. Мансабдор шахслар Банкнинг бошқарув ва назорат органлари, корпоратив консултант номига ва таркибий бўлинмаларга келиб тушаётган акциядорлар ва мижозларнинг хатлари, аризалари ва талабномаларининг ҳисобга қўйилиши ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлашлари шарт.

14. Манфаатлар тўқнашувларини ҳал қилиш бўйича вазифалар Манфаатлар тўқнашувларини ҳал қилиш бўйича қўмита (қуйида матн бўйича – “Қўмита”) га юклатилади.

15. Банкнинг мансабдор шахслари беш кун ичида ваколатли шахсни ёки органни низо пайдо бўлганлиги тўғрисида мурожаатнома келиб тушганлигидан хабардор қилишлари, шунингдек мазкур масалани келгусида кўриб чиқиш ва Кузатув кенгашига мазкур масала кўриб чиқилганлиги яқунлари бўйича хулосани тақдим қилиш учун корпоратив низонинг дастлабки баҳоланишини ва асосий масала бўйича керакли ҳужжатларни тақдим қилишлари шарт.

16. Низони Банкнинг таркибий бўлинмаси даражасида ҳал қилиш мумкин бўлган тақдирда, Банк Бошқаруви низонинг юзага келиши сабабларини аниқлайди ва низони ҳал қилиш тартибини белгилайди. Манфаатлар тўқнашувини кўриб чиқиш яқунлари бўйича хулоса Банк Кузатув кенгашига тақдим қилинади.

17. Банк Кузатув кенгаши акциядорларнинг тез-тез учрайдиган масалалари ва талабларини таҳлил қилиб, барча акциядорларга ушбу

масалалар бўйича кўшимча ахборот тақдим қилиш ёки Банкнинг Бошқарув раисига ички норматив ҳужжатларига ўзгартириш, бундай турдаги мурожаатларни юзага келтираётган сабабларни бартараф қилиш мақсадида бошқа чора-тадбирлар ўтказиш бўйича таклиф киритиш зарурати тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

18. Низони кўриб чиқиш натижасида Банк ички ҳужжатларини ишлаб чиқиш ёки амалдаги ички норматив ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш зарурати юзага келган тақдирда, ваколатли бошқарув органи ҳужжатни ишлаб чиқиш ёки тааллуқли ўзгартишлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилади.

19. Банкнинг бошқарув органлари Банкда юзага келадиган ҳар қандай турдаги манфаатлар тўқнашувларини ўз вақтида ҳал қилиш мақсадида кўйидагиларни амалга оширишлари шарт:

юзага келадиган манфаатлар тўқнашувларига максимал даражада тез диққат-эътибор қаратиш, уларнинг сабабларини аниқлаш;

Банкнинг бошқарув органлари ваколати ва жавобгарлигини аниқ белгилаб қўйиш;

Банкнинг низо моҳияти бўйича нуқтаи назарини максимал қисқа муддатларда аниқлаш, тааллуқли қарор қабул қилиш ва уни низонинг иккинчи томони эътиборига етказиш;

низонинг иккинчи томонига Банкнинг низода тутган ўрнини аниқ асослайдиган тўлиқ ва батафсил жавоб хати юбориш, низо иштирокчисининг илтимоси ёки талабини қондириш рад этилганлиги тўғрисида хабарномани эса қонун ҳужжатлари, Банкнинг ваколатли бошқарув органи томонидан тасдиқланган Устав ва ички норматив ҳужжатларга мувофиқ асослаш;

низо манфаатларига дахл қиладиган ёки дахл қилиши мумкин бўлган шахсларнинг ушбу низони ҳал қилишда ва тегишли қарор қабул қилишда қатнашмасликларини таъминлаш.

20. Акциядорлар ўртасида, Банкнинг бошқарув органлари ва акциядорлар ўртасидаги корпоратив низоларни ҳал қилиш учун:

Банкнинг ваколатли шахси ёки ваколатли органи акциядорлар ўртасидаги музокараларда иштирок қилиши, акциядорларга ўз ихтиёридаги ва низога тегишли ахборот ва ҳужжатларни тақдим қилиши, қонун ҳужжатлари меъёрларини, Банк Устави ва ички норматив ҳужжатларини тушунтириши мумкин;

Банкнинг ваколатли шахслари ёки ваколатли органлари акциядорларга маслаҳатлар ва тавсиялар берадилар, акциядорлар томонидан имзоланиши учун низони ҳал қилиш тўғрисида ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлайдилар. Банк номидан ўз ваколатлари доирасида акциядорлар олдида низони ҳал

қилишга ёрдам бериши мумкин бўлган даражада мажбуриятлар қабул қиладилар;

Банкнинг ваколатли органлари ўз ваколатларига мувофиқ корпоратив низони ҳал қилиш бўйича қарорлар реализация қилинишини ташкиллаштиришлари ва низо иштирокчиси томонидан Банк номидан имзоланган битимлар ижросига кўмаклашишлари керак. низо томони ва Банк ўртасида уларнинг асосий мажбуриятлари бўйича келишмовчилик мавжуд бўлмаган, бироқ уларни бажариш тартиби, усули, муддатлари ва бошқа шартлар тўғрисида келишмовчилик юзага келган ҳолатларда, Банк низо иштирокчисига юзага келган келишмовчиликларни ҳал этишни таклиф қилиш ва Банк низо томони талабини қондиришга тайёр бўлган шартларни тавсифлаб бериши керак.

21. Мазкур чора-тадбирлар рўйхати узил-кесил ҳисобланмайди. Ҳар бир муайян ҳолатда манфаатлар тўқнашувининг юзага келиш секторига қараб низони ҳал қилишнинг ўзгача шакллари бўлиши мумкин.

## **VI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

22. Мазкур Низом янги таҳрирдаги Банк Устави Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида рўйхатга олинган санадан бошлаб кучга киради.

23. Агар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари ёки Банк Устави билан Банкнинг мазкур Низомида назарда тутилгандан бошқача меъёрлар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари ва Банк Устави меъёрлари қўлланилади.